



**МЧЖ «XB FINANSE KONSULTING»  
аудиторлик ташкилоти**

**“YUGGAZSTROY” акциядорлик жамиятини 2016 йил якуни бўйича тузилган  
молиявий ҳисоботиغا билдирилган**

**АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

**“YUGGAZSTROY” АЖ иштирокчилари ва раҳбариятига**

**Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:**

**МЧЖ «XB FINANSE KONSULTING»**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри. Мирабад туман Амир Темур даҳаси 15  
уй. инд 100081, тел: 0-371 233-02-10,

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Ўзбекистон  
Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 11.05.2005 йилда № 321 рўйхатдан  
ўтказилган

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 15.05.2008 йилда берилган  
«Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви»ни ўтказиш  
бўйича аудиторлик фаолиятини амалган оширишга рухсат берувчи -серия АФ №  
00676 Лицензияга эга.

Хисоб рақами: 20208000704408712001 ТГРФ «ЎзСКБ», МФО-00424, ИНН 205666530,  
ОКЭД 69202. e mail: audit\_xb\_finance@mail.ru

Аудиторлик ташкилоти директори: Эгамбердиев Зоҳиджон Закирович. Ўзбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 21 октябр куни берилган №  
05171-сонли «Аудитор малака сертификати»

Аудиторлик ташкилоти аудитори: Нишонов Абдулазиз Тождидинович. Ўзбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2015 йил 11 июл куни берилган № 05326-  
сонли «Аудитор малака сертификати»

**Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот:**

**“YUGGAZSTROY” АЖ**

Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, Саноатчилар кучаси,  
9 уй.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома: Хоразм вилояти,  
Урганч шаҳар Хокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан  
ўтказиш инспекцияси томонидан 2014 йил 24 сентябр № 821 - сонли ресстр  
тартиб рақам билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

Хисоб рақами 20210000400313466001, АТБ «Саноатқурилишбанк» Урганч ш.  
Булимида, МФО 00853, СТИР: 200211508, ОКЭД коди: 70100.

Жамият раҳбари: Мадаминов Обод Ҳажиевич

Жамият бош ҳисобчиси: Исмаилов Мухтор Атаназарович.

Асосий фаолият тури: Бош компаниялар фаолияти.

Мен. масъулияти чекланган жамият шаклидаги «XB FINANSE KONSULTING»  
аудиторлик ташкилотининг аудитори Нишонов Абдулазиз Тождидинович, Ўзбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2015 йил 11 июл куни берилган № 05326-сонли

«Аудитор малака сертификати» аудиторлик ташкилоти билан “YUGGAZSTROY” акциядорлик жамияти уртасида 20.06.2016 йилда тузилган 90/06-сонли шартномага асосан “YUGGAZSTROY” акциядорлик жамиятининг 01.01.2016 йилдан 31.12.2016 йилгача бўлган даври учун тузилган “Корхона баланси” – форма № 1, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” – форма № 2, “Пул оқимлари тўғрисидаги Ҳисобот” - 4-шакл, “Ўз сармояси тўғрисидаги Ҳисобот” - 5-шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги.**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги.**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз, “YUGGAZSTROY” акциядорлик жамиятини илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### **Ижобий фикр.**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект “YUGGAZSTROY” акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «XB FINANSE KONSULTING»  
Аудиторлик ташкилоти директори:



З.З.Эгамбердиев.

Аудитор:

А.Т.Нишонов.

Хулоса тузилган сана:  
«28» апрел 2017 йил.